



TOSHKENT VILOYATI CHINOZ TUMANI HOKIMI Q A R O R I

2021 - yil 7 - iyun

79-10-144-Q/21

Chinoz tuman hokimligi

Тошкент вилояти ҳокимининг 2021 йил 26 майдаги

256–сонли қарори тўғрисида

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5495-сон Фармони, 2017 йил 16 июндаги ПҚ-3067-сон “Давлат мулки объектларини сотиш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Тошкент вилояти ҳокимининг 2021 йил 26 майдаги 256–сонли қарори ижросини таъминлаш, туманнинг инвестиция муҳитини яхшилаш ва давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш мақсадида:

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 июндаги “Давлат мулки объектларини сотиш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3067-сон қарорига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларига бўш турган ёки фойдаланилмаётган бино ва ишшоотларнинг умумий эгаллаган майдони 2000 квадрат метргача бўлган давлат мулки объектларини сотиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи берилганлиги;

туман ҳокимлари ҳамда ижтимоий соҳа объектлари бўйича тегишли бошқармалар томонидан Тошкент вилояти ҳокимининг олдинги қабул қилинган қарорларига асосан савдога чиқарилган ва савдога чиқариш жараёнидаги 77 та объектларни келгусида фойдаланиш юзасидан таклифлар тақдим этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Худудни танлов комиссияси томонидан таклифларни кўриб чиқиш натижаси бўйича:

- дастлабки шартлари инвесторлар томонидан билдирган таклифлари асосида шакллантириладиган давлат мулки объектлар рўйхати 1-иловага мувофиқ;

- инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни бажариш шarti билан “1 сўм” бошланғич қийматида “E-ijro auksion” электрон савдо майдончасига чиқариладиган давлат мулки объектлари рўйхати 2-иловага мувофиқ;

- давлат архитектура-қурилиш назорати органларининг хулосаларига асосан бузиладиган ва бўшаган ер майдонлари туман заҳирасига ўтказиладиган давлат мулки объектлар рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман тадбиркорликка қўмаклашиш маркази (И.Мамуров) Давлат активларини бошқариш агентлиги вилоят бошқармаси маъсул ходими билан биргаликда;

1-иловага мувофиқ дастлабки шартлари инвесторлар томонидан билдирган таклифлари асосида белгиланадиган объектлар бўйича оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритилиши ва тарғибот ишларини амалга оширсин.

-тадбиркорлардан келиб тушган таклифларни ҳудудий танлов комиссияси муҳокамасига киритсин.

4. Туман Инвестиция ва ташқи савдо бўлими (М.Қодиров) давлат активларини бошқариш агентлиги вилоят бошқармаси маъсул ходими билан биргаликда:

- икки ойлик муддатда мазкур қарорнинг 2-иловасига мувофиқ давлат мулки объектларни ўрнатилган тартибда “E-ijro aukcion” электрон савдо майдончасига чиқарилишини таъминласин.

5. Туман қурилиш бўлими (А.Исматуллаев), туман ер мулк кадастр бўлими (Ж.Қўчқоров):

Давлат архитектура ва қурилиш назорати инспекциясининг хулосасига асосан мазкур қарорнинг 3-иловасига мувофиқ объектларни белгиланган тартибда бузилишини ва бўшаган ер майдонлари туман заҳирасига ўтказилишини таъминласин.

6. Туман ер мулк кадастр бўлими (Ж.Қўчқоров) савдога чиқариладиган объектларни кадастр ҳужжатларини расмийлаштирилишини ташкил этсин.

7. Туман Инвестиция ва ташқи савдо бўлими (М.Қодиров), тадбиркорликка қўмаклашиш маркази (И.Мамуров), давлат активларини бошқариш агентлиги вилоят бошқармаси вакили оммавий савдолар орқали сотилиши белгиланган объектлар бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, оммавий ахборот воситаларида эълонлар бериш, объектлар бўйича маълумотларни интернет веб-сайтларида жойлаштириш тадбирларини амалга оширсинлар.

8. Сотилиши белгиланган барча давлат мулки объектлари сотилгунга қадар тўлиқ ва бут ҳолда сақланишига балансда сақловчи ташкилот раҳбарлари маъсул эканлиги белгилаб қўйилсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари М.Зуфаров зиммасига юклансин.

Туман ҳокими



Б. Алимбеков

Чиноз туман ҳокимининг
2021 йил 7 июндаги
79-10-144-Q/21-сон қарорига
1-илова

**Дастлабки шартлари инвесторлар томонидан билдирилган таклифлар асосида
белгиланадиган объектлар рўйхати**

№	Объект номи	Манзили	Ер майдони (га)	Бино-иншоот майдони (қв.м)
1	Собиқ гараж бино-иншоотлари	Боғбон МФЙ	0,96	657,01

Чиноз туман ҳокимининг
2021 йил 7 июндаги
79-10-144-Q/21-сон қарорига
2-илова

**Инвестиция киритиш шарти билан “1 сўм” бошланғич нархда аукцион савдоларига
чиқариладиган объектлар рўйхати**

№	Объект номи	Манзили	Ер майдони (га)	Бино-иншоот майдони (кв.м)	Инвестиция мажбуриятлари			Объектда гашкил этиладиган фаолият тури
					Микдори (млн.сўмда)	Муддати (ой)	Иш ўрни	
1	31-сонли дўкон биноси	А.Темур МФЙ Сафарота кўчаси	0,0011	110,5	100,0	12	2 та	Қонунчиликда тақиқланмаган фаолият тури

Чиноз туман ҳокимининг
2021 йил 7 июндаги
79-10-144-Q/21-сон қарорига
3-илова

**Давлат архитектура –қурилиш назорати органларининг хулосасига асосан бузиладиган ва
бўшаган ер майдонлари туман захирасига ўтказиладиган объектлар рўйхати**

№	Объект номи	Манзили	Ер майдони (га)	Бино-иншоот майдони (қв.м)	Балансда сақловчи ташкilot
1	Собик идора биноси	Гинчлик МФЙ	0,05	100,0	Чиноз туман ҳокимлиги